



ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ ВА ҚАДРИЯТЛАР ЎШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Исмайлов А.С.

*педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

Таянч сўзлар: урф-одат, анъана, миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ, маънавият.

Ключевые слова: обычаи, традиции, национальные ценности, этика, духовность.

Key words: customs, traditions, national values, ethics, spirituality.

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада қорақалпоқ халқининг бетакрор – миллий анъана ва қадриятлари, дастурлари маданияти, урф-одати, миллий маънавияти, ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассказывается об уникальных национальных традициях и ценностях, культурных обычаях, обычаях и национальной духовности каракалпакского народа.

SUMMARY:

This article tells about the unique national traditions and values, cultural customs, traditions and national spirituality of the Karakalpak people.

Миллат ва ўз миллий қадриятларига эга давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, дастур ва урф-одатларига ўз таъсирини ўтказиш, уларнинг устидан ҳукмронлик қилиш, бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар ҳамиша хавф-хатар сифатида сақланиб туриши тарихдан маълум.

Шундай экан, бундай хавф-хатарларга қарши қурол сифатида юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон, энг аввало, ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, иродаси мустаҳкам, иймони бўлиб камол топиши учун жамоатчилик орасида маънавий билимларимизни юқори даражага кўтариш ҳар қачонгидан ҳам жуда аҳамиятлидир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, жамиятимизнинг барча соҳалари қатори маънавий, мафқуравий ҳаётимизда ҳам катта ўзгаришлар юз берди.

Ҳаётини, олдига қўйган аниқ мақсадларини ҳис қиладиган, келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч қачон миллий ғоя ва мафқурасиз яшама-

ган, яшай олмайди ҳам. Мафкура бўлмаса ҳарқандай миллат ва жамият, қолаверса, ҳар қандай шахс ўз йўлини йўқотиш мумкин.

Миллий мафкура миллатнинг орзу мақсадларини белгилайди, тарих синовларидан ўтишда халқнинг рухий дунёсини кўтариб, таянч бўлади, ана шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва рухий муаммоларга жавоб кидиради. У инсонга факат моддий бойликлар учун эмас, аввало, Аллоҳ инъом этган ақл-заковат, иймон-этиқод, инсоф-диёнат натижасида юқори маънавий билимга эришиш учун интилиб яшаш кераклигини англадиган бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган шамчирокдир.

Миллий ғоя ва мустақиллик мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг обрў-этиборини, ор-номусини, ишонч-этиқодини муҷассамлаштирувчи, жамиятимизнинг ўзига хос ривожланиш йўли, турмуш тарзи, манфаат ва муддаоларига таянган ҳолда доимий тараққий топиб, тақомиллашиб борадиган ғоялар тизимидир.

Халқни ёрқин келажак ва буюк мақсадлар йўлида бирлаштириш, мамлакатимизда истиқомат қиладиган, миллати, тили ва диний этиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро Ватанимиз бахту саодати учун маъсулият ҳисси билан яшашга ўргатиб бориш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси қадрият ва урф-одатларимизга муносиб бўлиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни бунёдкорлик ишларга жалб этиш, бу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт тарзига айлантириш миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсади ҳисобланади.

Мустақиллик даври олдимизга қўйган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий вазифаларни муваффақиятли адо этиш, аввало, уларни ижобий натижалар билан еча оладиган шахсларни тарбиялаш зарур. Бу эса ўта мураккаб ва масъулиятли вазифа бўлиб, ана шу масалаларни ҳал қилмасдан туриб олға бир қадам ҳам ташлай олмаймиз. Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт жамиятнинг бўй-басти бўлса, маънавият, маърифат ва сиёсий онгнинг етуклиги, унинг руҳи, ақли, жони бўлади. Буюк давлатчиликка, буюк келажакка эришиш учун ақлли, доно, билимли, шу билан бирга ўзининг ўтмиши, буюк қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ҳамда келажакка ишонч ҳиси юқори бўлган инсонларни тарбиялашимиз керак. Мустақиллик тарихимизни ва маданий меросимизни қайта тиклашга, бутунги қунимизни ва келажакгини онгли тушунишимизга, ўзлгимизни англаб, дунё халқлари орасида ўзимизга лойиқ ўрнимизни билиб олишимизга имкон яратди.

Маънавият – инсоннинг эгаллаган билимлари асосида бажарган ишлари унинг турмуш тарзига айланиб кетиш босқичидаги хатти-ҳаракатлари мажмуаси эканлиги аллақачон исботланган. Ҳақиқатан, инсон ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш жараёнининг қонуниятларини билиб олиши зарур бўлади. Эгаллаган билимлари асосида амал қилинадиган ҳаракатларига



кўникма ҳосил қилиш учун бундай иш-ҳаракатларни ҳаётда бир неча марта, гоҳида ўн марталаб синаб кўришга тўғри келади. Кўп вақт ва куч сарфлаш орқали эришилган мақсад вазифаларининг кўрсаткичлари шахсда қаноат ҳосил қилмасдан инсон мақсадига эришса, демак, бу ҳаракатларга кўникма пайдо бўлади. Навбатдаги ҳаракат тез ва қийинчиликларсиз, мақсад кўрсаткичлари мақсадга мувофиқ амалга ошади. Охир-оқибат бу ҳаракатлар тажриба шаклида намоён бўлиб, ҳаётда минг марта қайта-қайта такрорланиб, турмуш тарзига айланади ҳамда инсонда пайдо бўлган руҳиятни бойитади. Бу эса ўз навбатида кўникма ва тажриба босқичларидан ўтиб руҳиятга айланади.

Шу жойда «Қадрият нима?», деган савол ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Қадрият – маълум бир инсонлар гуруҳи (оила, жамоа, жамият) ўртасида алоҳида эътиборга сазовор бўлган ҳамда шу гуруҳ аъзолари томонидан асрлар оша қадрланиб келинган руҳий маданият. Демак, қадрият – бу оила, жамоа ёки жамиятда алоҳида аҳамиятга эга бўлган руҳият шаклидир.

Қадриятлар оилавий, жамоавий шаклда миллий ва умуминсоний бўлиши мумкин. Қадриятлар орасида ўзаро алоқа бўлса ҳам, улар бир-бирларидан фарқланади. Масалан, оила учун, бир руҳият шакли, масалан, таваллуд кунни нишонлаш алоҳида эътиборга молик ҳодиса. Бу маълум бир оила аъзоларининг анъанавий қадрияти ҳисобланади. Ўзга оила шу санани билса ҳам, уни қадрласа ҳам эътиборга сазовор сана сифатида нишонлайди. Улар учун бу нарса қадрият эмас, ҳар бир маҳаллада, қишлоқ ва овулларда, меҳнат жамоасида ёки таълим муассасасида қандайдир бир ижтимоий ҳодиса (тўй-ҳашамларни ўтказиш, жамоа бўлиб сайлларга чиқиш ва б.) анъана бўлган. Улар ана шу анъаналарни асраб авайлайди. Улар учун бу қадрли ҳисобланади. Бу эса ана шу жамоанинг қадриятидир. Маълум бир халқнинг урф-одат, анъаналарининг бажарилиши одат сифатида сақланиб қолган. Уни ўша халқ интиқиб кутади, чунки бу нарса улар учун жуда қадрли. Чунки бу миллий қадрият.

Бундан ташқари, ирки, миллати, жинси, эгаллаб турган лавозими, касб-коридан қатъи назар, инсоният жамияти учун жуда қадрли нарса ва ҳодисалар борки, улар умуминсоний қадриятлар деб аталади. Бунга яшаш ҳуқуқи, билим олиш, тинчлик, хотиржамлик, базму байрамлар ва бошқа ижтимоий ҳодисалар мисол бўла олади.

Демак, «Нима учун қадрият одамлар учун қадрли?», деган саволга келсак, аввало, қадрият инсонлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у одамларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий эҳтиёжлари билан бирга маънавий эҳтиёжларини ҳам қондиради. Мисол тариқасида ҳамма учун қадрият деб ҳисобланадиган байрам – янги йилни олиб қараймиз. Мазкур байрамда инсон хоҳлайдими, йўқми ўтиб бораётган эски йилни сарҳисоб қилади ҳамда келгуси йил учун ҳеч кимга айтмайдиган, юрагининг тўридаги режаларини

тузиб чиқади. Инсонлар кўпинча, орзу-умидларини янги йил билан боғлайди. Бу маънавий рух ва унинг озиғи билан боғлиқ. Ёхуд билим олиш жараёни олиб қараймиз. Бу жараён инсон руҳиятининг юксалиши, руҳнинг хотиржамлиги ва инсон қалбининг жўшқинлиги билан боғлиқ. Шу сабабли у инсонга хос бўлиб, барча учун қадрли.

Ҳақиқатан, инсон руҳиятини юксалтирмасдан туриб, жамият турмуш тарзида, мамлакатимизнинг тараққий этишида муваффақиятларга эришиш мумкин эмас. Ислохотларнинг биринчи босқичида миллий руҳиятни изга тушириб олиш йўлида кўзланган мақсад асосан амалга оширилади ва иккинчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга асос яратилади. Ижтимоий ҳодисалар билан бирга миллий руҳиятимиз ҳам тикланиб бормоқда. Ислохотларнинг кейинги босқичида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ва вазифаларнинг долзарблиги маънавияти етук шахсларни тарбиялашга эътиборни янада кучайтириш зарурлигини англатади.

Биз иқтисодий тикланиш, иқтисодий тараққиётнинг маънавий шаклланиш, руҳий покланиш, руҳий юксалиш ҳаракатлари билан ҳайрихоҳ, жам бўлишимиз керак. Сиёсатимизни шунга асосан қурамыз ва уни тўлиғи билан бажарамиз. Юксак ва пок руҳиятга эга инсон нафақат ўзининг оиласи, қариндош-уруғлари, яшаётган ўрнини, балки бутун мамлакатнинг манфаатларини кўзлаб яшайди, меҳнат қилади.

Бугунги кунда маънавий тарбия мустақил давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Халқнинг техникага оид саводхонлиги, одоб-ахлоқ, шаффофлик, сўз эркинлиги, фикрлаши маънавий юксалишнинг асосидир.

Маънавий етук инсон тушунчаси кўп қиррали тушунчадир. Маънавий етук инсон комил инсон тушунчаси билан уйғунлик касб этиб, бу икки маънавий тушунчанинг турли босқичларини акс эттиради.

Маънавий бой инсонгина комил инсон бўла олади. Юксак одоб-охлоққа, маданий ва жисмоний фазилатлар ҳар томонлама етук, чуқур ва замонавий билимга, кенг илмий-фалсафий дунёқарашга эга бўлган шахс комил инсон ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус www.lex.uz
2. Қосназаров Қ., Пазылов А., Тилегенов А. Педагогика.-Нөкис: Билим, 2009.-256 б.
3. Қарақалпақ фольклори . (Көп томлық). 5-том. Қарақалпақ халқ қосықлары ҳам салт жырлары. 5-том. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1980. –С. 487.
4. Исмайллов А.С. Ўқувчи ёшларни тарбиялашда миллий анъаналар ва урф-одатларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти. “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги республика 23-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. Тошкент-2020.-186 б.
5. Исмайллов А.С. Қарақалпақ халқ анъаналари воситасида ёшларни маънавий тарбиялашнинг педагогик асослари. п.ф.ф.д (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс..... Н., 2022. – 130 б.